

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399111>

Соатова Нодира Бобохановна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Молия” кафедраси доценти, (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий бюджетнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш йўллари, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари базаларини шакллантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад йўналишларини белгилаш, солиқли даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизмлари ёритилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетни режаслаштириш, маҳаллий солиқлар, даромад базалари, даромад сиёсати, давлат бюджети, ҳудудлар молияси, маҳаллий бошқарув органлари, бюджетлараро муносабатлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар, мажбурий тўловлар, солиқ ставкалари, солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқли даромадлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет ва ижтимоий сиёсатнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида молия тизимининг соҳаларини, жумладан бюджет тизимини ва айниқса, унинг таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижросини таъминлаш, шунингдек ҳудудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олишни ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кенгайиб бориши шароитида уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш учун замин яратади. Шунингдек бугунги кунда давлатимиз раҳбари

томонидан қабул қилинаётган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар улар даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида асосан иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институтсионал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди[1].

Даромад сиёсатини ишлаб чиқишда бюджет тизимида солиқ ва тўловларни мобилизация қилиш бўйича ҳудудлар имкониятларини объектив баҳолаш, маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизмларига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини ошириш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш мезонлари хуфёна иқтисодиётнинг кўрсаткичларига ҳам бевосита боғлиқ.

Хуфёна иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин унинг иқтисодиётдаги улуши қанчалигига қараб баҳоланади. Бизнинг иқтисодиётимизда бу даража бир мунча баланд. Бугунги кунда халқаро ва

махаллий экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра ЯИМнинг 45-50 фоизига тенг. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдириб ўтган фикрларини таъкидлаб ўтиш жоиз: “Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди”[2]. Фикримизча, “айрим ҳолларда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг ривожига ҳизмат қилмоқда.

махаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаб берди. Жумладан:

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

-вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенсиядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган карамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

-махаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

-махаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

Мамлакат солиқ тизимидаги муаммолар иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялашнинг чуқурлашиб боришига мутаносиб равишда босқичма-босқич бартараф этиб борилмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазирамиздир[3].

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривож, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир.

Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш орқали молиявий ресурслар салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади” [4].

Маҳаллий бюджетлар даражасида солиқли даромад сиёсатининг устувор вазирали этиб белгиланди[5]:

1. Депутатлик ва жамоатчилик назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш.

2. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимлилик асосида кўшимча резервларни аниқлаб бориш;

3. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларнинг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш;

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва зарур миқдорда молиявий маблағ билан таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ҳажмини ошириш, хусусан, бу борада маҳаллий ҳокимият

органларининг бюджет ижросини таъминлашдаги манфаатдорлигини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнида кенг жамоатчилик фикри ва иштирокини таъминлаш муҳим устувор аҳамият касб этади. Хусусан:

- янги ўрнатилаётган тартибга кўра, даромадлар манбалари ва харажатлар турлари кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманларининг (шаҳарларининг) маҳаллий бюджетлари параметрлари, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманлари (шаҳарлари) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида йил чорақлари кесимида атрофлича кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

- маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадлар ҳажмининг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар сони, корхоналар сони ва асосий капиталга инвестициялар ҳажми ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг эконометрик модели натижалари кўрсатишича: иқтисодиётда янги иш ўринларининг яратилиши ва бандликнинг таъминланиши маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади; корхоналар сонининг кўпайиши маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини бирмунча камайишига олиб келади; вилоятга жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмининг ошиши маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

5. Malikov TS. Moliya. O 'quv qo'llanma. Toshkent: Iqtisod-moliya. 2018.

6. Malikov TS, Moliya HN. umumdavlat moliyasi./O'quv qo'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2009;556.

7. Nodira Soatova. Directions for strengthening the tax revenue base of local budgets. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues- Peer Reviewed Journal. Volume: 9 | Issue: 2 | February 2021 | Journal DOI : 10.36713/epra0713 | SJIF Impact Factor (2021): 8.047